



Халқ Сўзи



1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI OЛИЙ MAJLISI VA ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAҲKAMASINING GAZETASI 1997 йил 29 ноябрь, шанба. Сотувда эркин нархда. № 242 (1759)

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

28 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Россия Федерацияси Свердловск вилоятининг губернатори Эдуард Росселнинг қабул қилди. — Биз Свердловск вилоятини Россиянинг салоноат ва ишлаб чиқариш жиҳатидан энг ривож топган ўлкаларидан бири сифатида яхши биламиз, — деди Ислам Каримов. — Ўзбекистон билан мазкур вилоят ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари узоқ даврга бориб тақалади. Хусусан, ўзаро товар айирбошлаш ҳақми ўтган йилда 130 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бу ҳамкорлигимизни яна-



да ривожлантириш учун салоҳиятимиз катта эканидан далолат беради. Мамлакатимиз раҳбари Э. Росселнинг ташрифи Ўзбекистондаги йирик иш-

билдирди. Россиялик меҳмон қабул учун Президентга миннатдорлик билдириб, диёримизга ташрифидан мақсад ўзаро муносабатларнинг замон руҳига тўла мос келадиган янги асосларини яратиш эканини айтди. Шунингдек, у ташриф самарали ўтаётганини қайд этиб, тез орада Ўзбеки-

тонга Свердловскдаги обрўли корхоналар раҳбарларидан иборат йирик делегацияни юбориш ва алоқаларнинг амалий қисмини кенгайтириш ниятида эканини маълум қилди. Сўхбат чоғида Ўзбекистон билан Свердловск вилояти ўртасида ўзаро товар айирбошлаш ҳақини ошириш, савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, корхоналараро ҳамкорликни янада кенгайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Қабул маросимида Президентнинг Давлат маслаҳатчиси В. Норов, ташқи иқтисодий алоқалар вазири Э. Ганиев иштирок этди. Қабулда Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси А. Пацев ҳозир бўлди. (ЎЗА) **СУРАТДА: қабул пайти. А. Тўраев олган сурат.**

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА УЧРАШУВ

28 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Уткир Султонов Россия Федерацияси Свердловск вилояти губернатори Эдуард Россел ҳамда унга ҳамроҳлик қилаётган делегация аъзолари билан учрашди. Бош вазир меҳмонларни диёримизга ташрифи билан қутлаб, уларга республикамизда амалга оширилётган иқтисодий-ижтимоий ислохотлар жараёни ҳақида сўзлаб берди. Сўхбат чоғида Ўзбекистон билан Свердловск ви-

лояти ўртасида самолётсозлик, нефть-газ, қурилиш ва озиқ-овқат салоноати каби халқ ҳўжалигининг кўплаб соҳаларида ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди. Учрашувда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси В. Норов, ташқи иқтисодий алоқалар вазири Э. Ганиев иштирок этди. Учрашувда Россиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси А. Пацев ҳозир бўлди. *** Шу куни Россия Феде-

рацияси Свердловск вилояти губернатори Эдуард Россел ва унга ҳамроҳлик қилаётган делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирилик ҳамда Энергетика ва электрлаштириш вазирлигида ҳам бўлиб, музокаралар ўтказдилар. Шунингдек, россиялик меҳмонлар В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш давлат-акционерлик бирлашмаси иш фаолияти билан танишдилар. (ЎЗА)

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Россия Федерациясининг Свердловск вилояти губернатори Эдуард Россел ва унга ҳамроҳлик қилаётган делегация аъзолари 28 ноябрь куни Тошкент шаҳар ҳўкимлигига ташриф бурди. Учрашувда шаҳар ҳўкимси К. Тўлаганов мамлакатимизда мустақиллик гоғларини мус-

ШАҲАР ҲОКИМЛИГИГА ТАШРИФ

таҳкамлаш борасида қўлга киритилётган муваффақиятлар, олиб борилаётган кенг қўламдаги ижтимоий ва иқтисодий ислохотлар, хусусан, пойтахт миқёсидаги ўзгаришлар ҳақида меҳмонларга атрофлича сўзлаб берди. Мулоқот чоғида Тошкент шаҳри билан Свердловск вилояти ўртасидаги ўзаро иқтисодий ва маданий алоқаларни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди. Учрашувда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси В. Норов қатнашди. Учрашувда Россиянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси А. Пацев ҳозир бўлди. (ЎЗА)

КОНСТИТУЦИЯНИНГ БЕШ ЙИЛЛИГИГА УНДА ИНСОН МАНФААТЛАРИ МУШТАРАК

Конституциямиз қабул қилинган кунга ҳалемай беш йил тўлади. Шу муносабат билан кеча Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академиясида «Конституция ва инсон манфаатлари» мавзуда халқаро илмий-амалий конференция бўлди. Уни академия бошлиғи, профессор У. Тожионов қисқача кириш сўзи билан очди. Маълумки, ҳар бир ҳуқуқий давлатнинг Конституцияси унинг дунё миқёсидаги макъей ҳама макомини ўзида ифода этади. Маърузачи ва сўзга чиққан нотқилар Конституциянинг ижтимоий-сиёсий аҳамияти устида тўхталиб, у мамлакатимизда адолатли демократик давлат ҳамда фуқаролик жамияти барпо этишда ҳуқуқий пойдевор бўлиб хизмат қилаётганини таъкиллади. Анжуманинг яппи мажлисида Конституция ва инсон манфаатлари назариясининг методологик муаммолари, ҳуқуқий давлат қуришда шахснинг ўрни ва қонун-

чилик муносабатлари хусусида атрофлича фикр юритилди. Шуъбалар бўйича бўлган маъруза ва чиқишларда эса Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг ижтимоий-фалсафий, сиёсий-иқтисодий жиҳатлари, давлат ва ҳуқуқ, амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш, халқаро ҳуқуқ билан боғлиқ масалалар хусусида сўз юритилди, ўзаро тажрибалар ўртоқлашилди. Анжуман сўнггида унинг иштирокчилари академия биносида ташкил этилган ҳуқуқий мавзудаги китоблар кўргазмаси билан танишдилар. Бу ерда хоржий мамлакатларнинг конституцияларига оид, шунингдек, Ўзбекистон Конституциясининг яратилиш тарихи, у ҳақда чет элик экспертлар ҳамда мутахассисларнинг фикр-мулоҳазалари ифода этилган адабиётлар намойиши қилинди. (ЎЗ Мухбиримиз).

АДАБИЁТИМИЗНИНГ ЁРҚИН ЮЛДУЗИ

Республика Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра, атоқли шоир, озодлиқ кўйчиси Абдулхамид Сулаймон ўғли Чўлпон таваллудининг 100 йиллиги мамлакатимизда кенг нишонланмоқда. Истиқлол шарофати ўлароқ, давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг маънавиятимиз юксалишига катта эътибор бераётгани боис кейинги йилларда Чўлпон адабий мероси ҳам ўз қадрини топти. Юбилейга тайёргарлик жараёнида адабнинг кўплаб асарлари, у ҳақида тадиқотлар нашр этилди. Шу кунларда меҳнат жамоаларида, ўқув даргоҳларида буюк шоир ҳаёти ва ижодига бағишланган «Шарқ халқларининг миллий уйғониши ва Чўлпон ижоди» мавзуда илмий анжуман бўлиб ўтмоқда. Чўлпон миллатпарвар, маърифатпарвар инсон эди. У шоир, носир, драматург, таржимон, жамоат арбоби сифатида халқимиз тарихида ўлмас из қолдири. Хуриятни, миллат эрки ва озодлигини ёниб

ёзувчи ва шоирлар, талабалар, жамоатчилик вакиллари иштирок этди. Анжуманин Фанлар академиясининг президенти Т. Жўраев очди. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Чўлпон таваллудининг 100 йиллигига тайёргарлик куриш ва уни ўтказиш республика ташкилий қўмитасининг раиси А. Азизхўжаев анжуманда сўзга чиқиб, жумладан, шундай деди: Чўлпон XX аср ўзбек маданияти ва адабиётини ривожлантиришга, адабий тилимизни раванга кўта салмоқли ҳисса қўшган ижодкордир. Унинг ижоди Ватан, миллат, истиқлол тушунчаларини теран ҳис этишга ўргатади. Қалбимизда Ватанга муҳаббат, келажакка ишонч туйғуларини тарбиялайди. Чўлпон ўзбек халқининг, қолаверса, ислохот остидаги бутун туркий халқларнинг озодлика чиқишини ороу қилган, шу йўлда курашган ва фидо бўлган эди.

Бугунги кунда халқимиз бу бахтга эришди ва Чўлпондек асил фарзандлари номини эъзоламоқда. Илмий конференцияда тарих фанлари доктори Дилором Алимова «XX аср бошларидаги Туркистонда ижтимоий-тарихий вазият ва жадидчилик ҳаракатининг тулиши», филология фанлари доктори Наим Каримов «Чўлпон Шарқ миллий уйғониш ҳаракатининг кўзгиси сифатида», Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзолари Бахтиёр Назаров «Чўлпон шеърларида миллий уйғониш гоғлари», Салоҳиддин Мамажон «XX асрнинг биринчи чоррағидаги миллий уйғониш ва Чўлпон драматургияси», танқид адабиётшуносо Эюп Шарофидинов «Туркистон халқларининг тарихий тақдири ва Чўлпоннинг насрий ижоди», филология фанлари доктори Хамидулла Болтабоев «Фитрат ва Чўлпон» мавзуларида маъруза қилдилар. Анжуманда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси У. Раҳматов қатнашди. (ЎЗА)

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI OЛИЙ MAJLISIDA

28 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Уни республика парламентининг Раиси Э. Халилов олиб борди. Кенгаш биринчи қақриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўнинчи сессиясини 1997 йил 25 декабрда қақришга қарор қилди. Кенгашнинг ушбу масалага оид қарори матбуотда эълон қилинмоқда. Сессияга тайёргарлик ишларини амалга ошириш ҳамда уни ўтказиш мақсадида депутатлар ишчи гуруҳи ташлиди, унга Олий Мажлис Раисининг ўринбосари Б. Шодиева бошчилиқ қиладиган бўлди. Кенгаш Вазирлар Маҳкамаси томонидан тақдим этилган Ўзбекистон Республикасининг 1998 йилги Давлат бюджети лойиҳасини кўриб чиқди. Лойиҳа юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — макроқисодиёт ва статистика вазири Б. Ҳамидов ва молия вазири Ж. Сайфуддинов маъруза қилдилар. Парламентнинг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитасининг раиси А. Аҳадов лойиҳанин Қўмитадаги муҳокама натижалари тўғрисида ахборот берди. Б. Ҳамидов ва Ж. Сайфуддиновнинг маърузаларида ҳамда А. Аҳадов ва Кенгаш аъзоларининг нутқларида шу нарса қайд этилдики, келаси йилги Давлат бюджет лойиҳаси мўлжалланаётган асосий макроқисодий кўрсаткичларга мувофиқ, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг қутилаётган яқунлари ва жорий йил бюджет ижросининг баҳоларига асосланган ҳолда ишлаб чиқилган. Лойиҳада иқтисодий салоҳиятни янада ривожлантириш, халқ ҳўжалигида таркибий ўзгаришларни таъминлаш ҳамда ижтимоий сиёсатни амалга ошириш устувор йўналишлар этиб белгиланган. Ижтимоий соҳани ҳамда аҳолини ижтимоий ҳўмоа қилишнинг аниқ йўналишини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, маориф ва соғлиқни сақлаш объектларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини рўёбга чиқаришни молиявий жиҳатдан таъминлаш, иш ҳақини ошириш, кам таъминланган оилаларга ёрдам пулини кўпайтириш воситасида қўллангилари. Коммунал хизмат тарифларидаги тавофутни қоплаш, идоралар иштирокидаги ижтимоий соҳа объектларини маҳаллий давлат ҳўкимияти органлари балансида ўтказиш, аҳолининг омонатларини индексациялаш учун керакли ресурслар назарда тутилган. Чет эл сармоясини жалб этган ҳолда, бюджетдан улушбай асосида молиялаш ҳўсбидан танлов йўли билан жойлаштирилладиган юқори самарали инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни қўллаб-қувватлашга, шунингдек, бу лойиҳаларга давлат қаролатларини беришга алоҳида эътибор қилинмоқда. Қишлоқ ҳўжалигини техника билан қайта қуроллантириш дастурини амалга ошириш учун бюджетдан ажратилладиган маблағ кўпайтирилган. Кенгаш аъзолари ҳамда мажлисининг бошқа қатнашчилари ана шуларни таъкиллаш билан бирга, лойиҳа устида ишлашни давом эттириш ҳақида, бюджетнинг даромад қисмини мустаҳкамлаш, бюджетга тўловлар тушуми тўлиқ бўлиши ҳамда минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш вазифаларини ҳал этиш учун маҳаллий давлат ҳўкимияти органларининг масъулиятини ошириш тўғрисида, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини босқичма-босқич рўёбга чиқариш, қишлоқ ҳўжалигида ислохотларни чуқурлаштириш билан боғлиқ тадбирларни молиявий жиҳатдан таъминлашни қўллайтириш зарурлиги хусусида бир қатор таклиф ва мулоҳазалар билдирдилар. Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ахборот-таҳлил бошқармасининг бошлиғи Г. Саидова, Марказий банк бошқарувининг раиси Ф. Муллажонов, Давлат солиқ қўмитасининг раиси В. Бегазов, Ўзбекистон Республикаси Президенти девонни қонунчилик ва суд ҳўкимияти органлари билан алоқалар бўйича экспертлар гуруҳининг раҳбари Й. Назаров, республика қатор вазирликлари ҳамда идоралари раҳбарларининг ўринбосарлари иштирок этдилар. **ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI OЛИЙ MAJLISI KENGAшининг ҚАРОРИ** **БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI OЛИЙ MAJLISINING ЎНИНЧИ СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ Тўғрисида** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши ҚАРОР ҚИЛАДИ: Биринчи қақриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўнинчи сессияси 1997 йил 25 декабрь куни Тошкент шаҳрида қақрилсин. **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. ХАЛИЛОВ** Тошкент шаҳри, 1997 йил 28 ноябрь. *** **Олий Мажлис ўнинчи сессиясининг муҳокамасига қўйидаги масалаларни киритиш мўлжалланмоқда:** 1. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йилги Давлат бюджети тўғрисида. 2. Ер кодекси лойиҳаси ҳамда қишлоқ ҳўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришга қаратилган қатор қонунларнинг лойиҳалари ҳақида. 3. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси лойиҳаси тўғрисида (биринчи ўқишда). 4. Оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги Қонун лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқишда). 5. Усиимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги Қонун лойиҳаси ҳақида. 6. Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги Қонун лойиҳаси ҳақида. 7. Ўзбекистон Республикаси Марказий сарлов комиссияси тўғрисидаги Қонун лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқишда). Депутатлар муҳокамасига ана шу масалалар билан бир қаторда Олий Мажлисининг воқолат доирасига киривчи бошқа масалаларни ҳам ҳавола этиш мўлжалланмоқда. (ЎЗА)

МИЛЛАТЛАРНИ АЙЛАНДИРИШ СОАТ
ЖУМА ХАБАРЛАРИ

ҲУРМАТЛИ ТАХРИРИТ
ГАП БИЛГУНЧА...
Навоийдаги «Қизилқумцемент» қўйма корхонаси йилга 11 миллион 470 миң сўм даромад оладиган бўлади. Нега?
Жамоатчи мухбиримиз Парда ЖУМАЕВнинг эътирофи эътишча, корхонага янги раҳбар — Олий Мажлис депутати Уктам Рўзқулов тайинланган, бир ярим йилдан бунён маҳсулот чиқариш келаятган биринчи технологик линия қайта таъмирланиб, ишга туширилди. Амалдаги жумда кам қўлланиладиган таъмирлаш ишларини Навоийдаги Жанубий салоноат монтаж трести бунёдкорлари қисқа муддатда амалга оширдилар. Энди корхонада ойига 37 миң тонна қўшимча цемент ишлаб чиқариш имконияти туғилади.
Гап билгунча иш бил, деганлари шу-да!

ЁПИРАЙ

«ҚАРО КўЗИМ»НИ... КИМ АЙТГАН?
— Фарғона шаҳридаги 4-муқша мактаби ўзбек рақс санъатининг алломаси Мукаррама Турғунбоева номи билан аталади, — деб ёзди мухбиримиз Набижон Собир. — Яқинда ёш муқшақунослар педагоглар ва ота-оналари олдига жиддий имтиҳондан ўтдилар. Тўланганлар ўшларнинг ўзбек ва хоржий кўй ҳамда қўшиқлари ижросини яхши ўқитириб олганликлари гувоҳи бўлишди.
Ёпирай, айниқса, болаларнинг кўрик сўнгенда «Кўйини ва ижросини топ» висторисан Валдис Пельшининг телешоусидан ҳам ошиб тушганига нима дейсиз?

ҲАМКОРЛИК

«СОНИ» КИРМАГАН ХОНАДОН ҚОЛМАЙДИ
Мухбиримиз Тўқчи Каримнинг хабар қилишича, Тошкентдаги «Фотон» очиқ турбани ҳиссадорлик жамияти Япониянинг «Сони» фирмаси билан ҳамкорликда машхур «Сони» телевизорни чиқари бошлади. Ҳозирча телевизорнинг аксарият эҳтиёт қисмлари Кунҷичар мамлакатидан келтирилмоқда.
Ҳамкорларнинг ҳисоб-китобига кўра, шу йил охирига қадар 17 миң дон «Сони» ҳамюртларимиз хонадонига кириб боради.

ИҚТИСОДИЁТ

«ҚОРА ОЛТИН» — САРА ОЛТИН
— «Кўкдумалоқ» нефть-газ кони нафақат Қашқадарь вилояти, балки мамлакат иқтисодиётиса ҳам салмоқли улуш қўшмоқда, — деб ёзди ўз мухбиримиз Пулат Габова. — Яқинда бу ердаги қудуқлар сони яна биттага кўпайди. Пармалаш ишини амалга ошираётган геологлар ер остида кўчи нефть оқимига дўч келишар.
Бу — шу йил ҳисобидан очилган саккавиччи «қора олтин» қудуғидир.

КРИМИНАЛ

«ЧАНДИР» ЧАТОҚ ЭКАН
Ҳа, МА3-55-49 русумли, давлат рақами Ю 08-85 ТН бўлган юк машинаси ҳайдовчиси Т. Исломидинов ҳозир айнан шундай деб айтувчида. Негаки, у Тошкент — Нукус йўналиши бўйича Бухорога етиб келди. Аммо Бухородаги «Чандир» ДАН پوستида вилоят бошхона ва ички ишлар хизмати ходимлари чап беролмади. Натижада 70 дан 200 литрлик пластмасса идишдаги акциз маркази бўлмаган 14 миң литр спиртни уларга қўй қўлаб топширди.
Юқининг эгалари ҳам топилди. Улар Н. Шомуродова, К. Болтаев, К. Аймановлар экан.
Соат миллиларини ЖўШҚИН кузатди.

• КОНСТИТУЦИЯНИНГ БЕШ ЙИЛЛИГИГА

БАРЧАМИЗГА ДАХЛДОР ҲУЖЖАТ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида хукукий демократик давлат, фуқаролик жамияти барпо этиш асосий максатлардан бири сифатида белгиланган. Шу боис биз айни пайтда ана шу йўлдан одим ташлаётимиз.

Фуқаролик жамияти, ҳукукий давлат тушунчалари нима? Инсоният босиб ўтган йўлга назар ташласангиз, ўзининг тарихий ривожланишида антик дунёдан ҳозирги кунга қадор бир неча босқичларни босиб ўтганлигининг гувоҳи бўласиз.

Қадимий дунё мутафаккирларидан бошлаб, XVIII асгача фуқаролик жамияти тушунчаси фуқаролар бирлашмаси ёки бирлиги маъносига талқин қилиб келинди. Бу бирлик иш-тирокчилари эркин ва тенг бўлиши билан бирга, сиёсий ҳам-жамиятга бўйсунлишлари ҳам зарур эди. Уша даврларда фуқаролик жамияти давлатнинг бир

шакли, ижтимоий муносабатларни тартибга солиб туриш воситаси сифатида тушунилган.

XVIII асрнинг иккинчи ярмида келиб фуқаролик жамияти тушунчаси янгича маъно касб эта бошлади. Чунки у ўсиб келаётган феодал ижтимоий-сиёсий тартиблардан қутилиш учун олиб борган курашини назорий асослашга йўналтирилган эди. Бунда ижтимоий муносабатларда одам бошқа одам тирокчилари эркин ва тенг бўлиши мумкин, деган фикр мутлақо инкор қилинади. Буюк француз революциясининг «Эркинлик», «Тенглик», «Биродарлик»

деб аталган шiorларига ҳам ана шу гоя мужассам толган эди.

Фуқаролик жамияти тушунчаси бугунги кунга келиб янада ўзгача талқин қилина бошланди. У, сиёсий ҳокимият, давлатнинг ижтимоий-иқтисодий муносабатларга аралашishiдан холи бўлган, хусусий мулк эгаллигига эркинлик берувчи жамият сифатида тушунилади. Бунда шахс ва мулк эркинлиги тамойили биринчи ўринга қўйилади. Кўриниб турибдики, фуқаролик жамияти тушунчаси тарихий тараққиёт натижасида ўзгариб, ривожланиб бори: аввалги, илк тушунча ҳозиргисидан буткул фарқ қилади. Ҳатто бир-бирига зид ҳамдир.

Биз барпо қилаётган ҳукукий демократик жамият ҳозирги цивилизациянинг барча ижобий жиҳатларини ўзида мужассамлаштирганлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Бу, энг аввало, инсон ҳуқуқларига риоя этишда акс

этади.

Фуқаролик жамияти куриш, Президентимиз таъкидлаганидек: «... Давлатнинг ичиде сиёсий эркинликларни таъминлаш — пухта ўйлаб, ҳар томонни ҳисобга олиб ёндашиш, одамлар онгида узок муддат мослашишни талаб қиладиган жараёндир».

Ҳукукий давлат — инсонпарварлик қадриятларига асосланган, сиёсий эътиқодларидан қатъи назар, барча фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини, ҳукукий тенглик, қонун устуворлиги, жамият манфаатларининг муҳофаза қилиниши, аҳоли хавфсизлиги кафолатини таъминловчи давлатдир.

Мамлакатимиз олдиде турган муҳим муаммолардан бири бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида сиёсий институтлар ва нодавлат ижтимоий уюмларнинг хилма-хиллиги ҳамда уларнинг роли мустаҳкамланиши, шунинг

дек, аҳолининг сиёсий фаоллиги ошиши асосида жамият ҳаётини янада демократиялашдан иборатдир. Бу йўлда табиийки, кўпгина ишлар қилинди. Энг аввал бошқарувнинг мўмурий-бўйруқбозлик усуллари бартараф этилди.

Олдимида турган галдаги энг муҳим вазифалардан бири инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга оширишга қадир кучли давлатнинг мавжудлиги билан мослаштиришдир. Барча соҳадаги ислохотларнинг муваффақиятли амалга ошириши, давлатчилик тури ва шакллари-нинг ўзгариши жамият ва демократик тамойилларнинг шаклланишига олиб келмоқда.

Демократик тамойилларнинг тан олиш, уларга амал қилиш, жамиятнинг барча кучларини бирлаштириш ҳукукий давлат барпо этиш учун катта имконият яратди. Зеро, Конституция ва ана шу асосда қабул қилинаётган қонунларимиздан қутилган асосий мақсад ҳам ана шундан иборат.

Д. ВОҲИДОВА, философа фанлари номзоди.

1 ДЕКАБРЬ — РУМИНИЯ МИЛЛИЙ БАЙРАМИ

ИСЛОҲОТ ЙЎЛИДА СОБИТ МАМЛАКАТ

Шарқий Европада жойлашган Руминия кўхна тарих, ўзига хос гўзал табиат ва бетакрор маданиятга эга мамлакатдир. Румин халқи ўз тарихий тараққиёти давомида мураккаб йўлни босиб ўтди.

Аслида румин халқи тарихи эраимиздан аввалги биринчи асрга боғланган бўлса-да, Руминия илк бор яхлит мамлакат сифатида XVII - XVIII асрларга келиб дунё харитасидан ўрин олди. Европада изчил тараққиёт бу мамлакатни ҳам четлаб ўтмади. Қўшлоқ ҳўжалигидан саноатлашган мамлакатга айлана бори.

XX асрнинг 80-йиллари якунида икки кутбли дунёнинг барҳам топа бориши ўлароқ, Руминияда ҳам тарихий мураккаб жараён сиёсий жиҳатдан ҳўйла барқарорлик билан босиб ўтиди. Аммо иқтисодий инқироз барибир ўз таъсирини кўрсатди. Аҳоли турмуш даражаси пасайди. Ишлаб чиқариш тизими гўла қувват билан ишлай олмади.

Мамлакатда аниқ ислохотларнинг бошлаб юборилиши вазиятни ижобий томонга бурди. Руминия хусусийлаштириш, галла мустақиллигини таъминлаш борасида жиддий муваффақиятларга эришди.

Бунинг устига Руминиянинг қулай жуғрофий ўрни экспорт ва импорт операцияларини самарали амалга оширишга имкон берди. Дунай дарёси ва Қора денгиз соҳилидаги бир қатор бандадоргоҳлар — Брэйла, Констанца, Галац мамлакатда энг арзон йўлни таъмин этувчи олтин дарвозалардир. Бу дарвозалардан эса жаҳоннинг исталган мамлакатига чиқиш мумкин.

Хоржий сармоёрамизда иқтисодиётни тиклаш энг мақбул йўлдир. Шу боис Руминия ҳам чет ва инвестициясини мамлакатга жалб этишдан манфаатдор. Мамлакатдаги келажак умидад бўлган соҳалар — машинасозлик, нефть, енгил саноат, металлони қайта ишлаш, ёғочсозлик саноатини ривожлантиришга АҚШ ҳамда Ғарб давлатларининг йирик сармоёдорлари катта ҳажмда маблағ ётқизмоқда. Руминия тақши сиё-

сатда ҳам ўз ўрнини топиб бормоқда. Мамлакат кўпгина нуфузли халқаро ташкиотларнинг аъзоси. Европа Иттифоқи билан алоқалари ҳам тобора мустаҳкамланиб бораптир. Шу маънода, румин халқи истиқболда «ягона Европа уйи» эстида яшашини ҳам назардан қочирмаптир.

Руминия билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги муносабат илгаридан мавжуд бўлган бўлса-да, юртимизнинг истиқболга эришуви, Руминиядаги сиёсий эврилиш икки суверен давлат алоқаларини янгича руҳда ривожлантиришга туртки берди. Мамлакатларимиз ўртасида муносабатларнинг ривожига эътибор берсақ, Ўзбекистон Президентни Ислам Каримовнинг 1996 йилнинг эида Руминияга қилган расмий ташрифи ўзбекистон алоқаларида муҳим пойдевор бўлди. Ана шу юксак даражадаги сафар чоғида икки давлат ўртасидаги ҳамкорликка ҳукукий асос солган дўстлик ва ҳамкорлик ҳақидаги шартнома имзоланди. Шу билан бирга, иқтисод, фан ва техника, коммуникация соҳаларида ҳам қатор ҳукуматлараро ҳужжатлар имзоланди.

Маъкур ташрифнинг муҳим жиҳатларидан бири шундаки, Ўзбекистоннинг жаҳон сари йўли янада кенгайди. Бухарестдаги уррашувларда мамлакатимизнинг Руминиянинг Константа шаҳри орқали Дунай дарёси бўйлаб Европага бемалол чиқиши ҳамда бандадоргоҳлардан ҳамкорликда фойдаланиш юзасидан келишиб олинди. Ана шу тариқа Евроосиё йўлининг қайта рўёбга чиқариши ёхуд қадим Буюк ипак йўлини тиклаш имконияти яратилди.

Бундан эса ҳам Ўзбекистон, ҳам Руминия манфаатдордирлар.

Холмурод АБДУРАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



ЎЗИМГА ЭМАС... ҚАДРИМГА ЙИГЛАЙМАН

1994 йилнинг ёз кунларида оғир хасталикка чалиндим. Виллоят шифохонасида даволандим. 1996 йилнинг март ойига келиб касалим яна қайтадан хуруж қилди. Бу сафар шифо топиш учун жамоа ҳўжалигидан моддий ёрдам сўрадим. Бироқ натижасиз қолди. Бировлардан қарз-ҳавола қилиб Учқизил санаторийида 17 кун даволандим. Саломатлигим ёмонлашган, жамоа ҳўжалигининг раҳбариятига ишдан бўшатишларини сўраб ариза ёздим.

Олтига фаранглим бор. Ўзим касалмангандан, 1994 йилда томорқа олиш учун ёзган аризам ҳам эътиборсиз қолиб кетди.

Ойлик маошнинг сўраб жамоа ҳўжалиги ҳисобхонасида икки йил ичида 30-40 марта бордим. Томорқа ҳақида ўйламасам ҳам бўлади. Бу ишни ижобий ҳал қилиш раёнининг тушига ҳам кирмас керак...

Норбой ЖОВЛИЕВ, Ангор тумани, «Таллимарон» жамоа ҳўжалиги.

ҲОКИМАНҚАДАН ТАҲРИРИЯТГА

Ангор тумани, «Таллимарон» жамоа ҳўжалигида яшовчи Н.Жовлиевнинг шикоят хати бўйича қўйилган маълум қиланди. Текширишда Норбой Жовлиев 1996 йил апрель ойида ўз аризасига биноан ишдан бўшатирилганлиги аниқланди.

1995-1996 йиллардаги иш ҳақи 9100 сўм бўлиб, ҳўжалик ҳисоб рақамида маблағ йўқлиги сабабли ўз вақтида берилмаган. 1995 йили Н. Жовлиевга аризасига асосан ҳўжаликнинг 8-участқасидан томорқа учун 0,16 га ер майдони ажратиб берилган.

Виллоят ҳоқими Ж. НОРАЛИЕВ, 22 ноябрь, 1997 йил.

ЭНДИ КИМГА АРЗ ҚИЛАЙЛИК?

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 6 майдаги Фармонида асосан, пенсиялар миқдори шу йилнинг 1 июлидан 1,5 баробар оширилган эди. Мен ва ўғлим (у ҳарбий хизмат ногирони) июль ойи учун аввалги миқдорда нафақа пули олдик. Шундан сўнг Собир Раҳимов тумани ижтимоий таъминот бўлимига мурожаат қилдик. Энди август ойида қўшиб оласизлар, дейишди. Бироқ бу ойда ҳам ҳеч нарса ўзгармади. Кейин у ердагиларнинг ваздаси сентябрга чўзилди. Сентябрь ҳам келди — тагин алдашди. Яна олдинги миқдорда пул олдик. Бир сўм ҳам қўшимча пул берилмади.

Яна сарсон бўлдик. Бу сафар бўлим бошлиғи ҳўзурига кирдик. У кечирим сўради. Ҳатто телефон рақамимизни ҳам ёзиб олиб, бу гал — октябрь ойида барча ўтган ойларнинг қўшимча пулини оласизлар, деб наъда берди. Октябрь ҳам келди. Бироқ... яна ўша, ҳаминишаги пўлимизни олдик. Июль ойидан бўён берилмайдиган қўшимча пулларимизни олиш учун ким ёрдам беради?

Рустамбек УМАРОВ, Дилшод УМАРОВ, Тошкент шаҳри.

...ВА ШУНДАЙ ЖАВОБ КЕЛДИ

Республика Ижтимоий таъминот вазирлиги томонидан Тошкент шаҳри, С. Раҳимов тумани, Тошмуҳаммедов 2-тор кўчаси, 232-ўйда яшовчи Р. Умаров ҳамда Д. Умаровларнинг аризалари кўриб чиқилди.

Шуни маълум қиламизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 6 майдаги Фармонида асосан, пенсиялар миқдори 1997 йил 1 июлдан ўртача 1,5 баробарга оширилди.

С. Раҳимов тумани ижтимоий таъминот бўлими ходимларининг масъулиятсизлиги туфайли ота ва ўғил Умаровларнинг нафақа миқдори ўз вақтида кўриб чиқилмаган.

Бугунги кунда юқоридаги Фармонга асосан, Р. Умаровнинг нафақаси қайта ҳисобланиб, 1 июлдан бошлаб 2367 сўму 57 тийинга белгиланди. Яъни, 1,5 баробар оширилди.

Д. Умаровнинг нафақаси эса 3-гурҳ ҳарбий хизмат ногирони сифатида 1400 сўм қилиб белгиланди.

Уларнинг ўз вақтида берилмай қолган қўшимча пуллари туланди.

Шу боиски, С. Раҳимов тумани ижтимоий таъминот бўлими ходимлари М. Худойбергенова, Н. Эргашева, Г. Иноятовларга нисбатан маъмурий жазо қўрилди.

Бош бошқарма бошлиғи Р. ХОЛМУРОДОВ, 6 октябрь, 1997 йил.

МАҚОЛА ЧОП ЭТИЛДИ... КЕЙИН-ЧИ?

Зағипота туман ҳоқимлиги «Халқ сўзи»нинг 1997 йил 11 июль сониде эълон қилинган «Раҳбарлар хабардор, аммо...» сарлаҳали мақолани ўрағиб чиқди. Дарҳақиқат, Ўзбекистон жамоа ҳўжалигида ичимлик суви қурувлари бундан 15 йил аввал фойдаланишга топширилган. Таъмирланадиган жойлари бор.

Мақолани ўрағиб жараёнида ичимлик суви ёз чиласида камайиши аниқланди. Сабаб, кўпчилик хонадонлар ичимлик сувидаги томорқаларини сўғорганлар.

Шунингдек, суви қурувларининг 7 та носоз жойи таъмирланди. Бу эса сувининг бир текисоа келишига ижобий таъсир кўрсатди.

Ҳозирги кунда янги қуриб битказилган шахсий иморатларга кўчиб келган аҳолини суви билан таъминлаш чоралари қўрилмоқда.

Туман ҳоқими Х. НУРМАТОВ, 23 октябрь, 1997 йил.



• ИНСОН АЗИЗ

ОЛИМНИНГ САКСОНИНЧИ БАҲОРИ

Умрни оқар сув, дейдилар. Кичкинагина миллион йиллик серташиш, сертахлика, сермазмун буржлари билан минг бор тўқнаш келиб, сиз билан биз яшаётган борлиқнинг бутун сир-асрорларини, жамики буд-шудларини шиддат билан ювиб ўтади.

Шунинг учун қадим-қадимдан инсоният умр доволари ҳаминга оқар сувга менгезилди, таққосланди. Оқар дарёнинг, жилганнинг умри унинг босиб ўтган йўли, оламни гуллаб-яшнатган сониялари билан қўшиб ҳисобланади. Одамнинг умри эса амалга оширган ишлари, эришган муваффақиятлари, кўрган-кечирган турмуш тарзининг энг сервикор пушталари билан ўлчанади.

Мана, мамлакатимизда илм-фан, геологик қидирув тараққиётига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган атоқли олимимиз Ҳабибулла Тулаганов ҳам ўзининг саксонинчи баҳорини қаршилади.

Ўзбекининг «Йигит бўлсанг иморат қур» деган серҳикмат, сермаъно бир гапи бор. Бу бежизга айтилмаган. Унинг маъноси доимо ватанди бул, топган-тутганининг фақат яхшилик, савобли ишлар учун сарфла, фарзандларнинг ҳаминиша бошпанали, муруватли бўлсин дегани. Зеро, ҳамма нарса Ватандан, меҳр-муруватдан бошланади.

Ҳабибулла Тулаганов ўз умр йиллари давомида нафақат иморат куриш, балки

газ конлари, ичимлик ва минерал сувлар заҳираларини топиш, аниқлаш бевосита геология ходимларининг вазифаси ҳисобланади.

Атоқли олим Ҳабибулла Тулаганов илмий излашларини асосан республика сув манбаларини топиш ва улардан ҳўжалик юртишида тўлақонли фойдаланишни йўлга қўйишга йўналтирди. Унинг раҳбарлигида мамлакатимиз геология ташкилотларидаги лаборатория, қидирув ва қазиб ишлари базалари йириклаштирилди. Айниқса, 50-йилларда олим иштирокида олиб борилган кенг қўламадаги олтин конларини қидириш ишлари Ўзбекистонимиз равнақини тезлаштириш учун асосий туртки бўлди. 1971 йилда олимнинг раҳбарлигида илмий-ишлаб чиқариш гидрогеология бирлашмаси ташкил этилди.

Урта Осиё республикалари ҳўдуллари геологик ҳаритасини тузишда ҳам Ҳабибулла Тулагановнинг муносиб ҳиссаси бор.

Геология-минерология фанлари доктори, кўплаб давлат мукофотлари соҳибдорини, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган геолог Ҳабибулла Тулагановга барча унвонлар илм-фан, ишлаб чиқаришни ривожлантириш йўлидаги хизматлари учун берилган.

Оқар дарё ўзининг шиддаткорлиги, узундан-узун равон йўли, мусофоллиги билан гўзал бўлганидек, инсон умри давомида амалга оширган савобли ишлари, эришган ютуқлари билан ҳаминиша бахтлидир.

Х. АКБАРОВ, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги.



КИЙИМ-КЕЧАК ЭКСПОРТ ҚИЛИНАДИ

Туран ҳиссадорлик жамиятига қарашли янги қуриб ишга туширилган тўқимачилик комбинати ўзининг дастлабки маҳсулотларини билавоқ истеъмолчилар ишончини қозониб улгурди.

Йилга 2500 тонна пахта момини ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган бу комбинатда 900 га яқин ишчи меҳнат қилади. Айни пайтда унинг учта ширк цехи — тўқиб, бўйи ва тикўвчилик цехлари тинимсиз маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Асосан, хилма-хил турдаги эркаклар, аёллар ва болалар кийимларидан иборат бу маҳсулотлар Ўзбекистон аҳолисиغا, шунингдек, хоржий давлатларга сотилмоқда. Кейинги ишдан бошлаб эса ишлаб чиқарилаётган кийим-кечаларнинг айрим турларини Германия ва Швейцарияга экспорт қилиш мўлжалланган.

СУРАТЛАРДА: ишчи Невмат Ҳоҷимуродов ва комбинат раҳбари Раҳман Бобоҷонов «Мулат-комет» тўқиб дастлабки кўздан кечтирилган кийим; тикўвчилар Нодира (чапда) ва Насиба Ҳақимова.

Р. ЖУМАНИЁЗОВ (ЎЗА) олган суратлар.

ТОҒДАГИ САНАТОРИЙ

Андижон вилоятидаги энг кўракм шаҳарлардан бири бўлган Хонобод ақинидаги тоғда Бағрола 200 ўринли санаторий қурилиши бошланди.

Машҳур гуллар водийси юқорисиде қуриладиган бу санаторийда биринчи навбатда Асакадаги «УздЭУавто» заводи ҳамда «Пахтасаноат-сотиш», «Андижонвиллоят-тоғула» акциядорлик жамиятларининг ходимлари дам олиб, саломатлигини мустаҳкамлайди. Бу ташкилотлар қурилишга шафелик қилмоқда.

«Андижон сув иншоотлари қурилиши» акциядорлик жамиятининг лойиҳачилари, қурувчилари ва монтажчилари бу ерда йил охиригача юз миллион сўмлик ишни бажармоқчи бўляпти. «Хонобод» санаторийи 2000 йил арафасида дастлабки дам олувчиларни қабул қилади.

К. НИЗОМОВ, ЎЗА мухбири.

Advertisement for «ПГС» Фирмаси Тақлиф Этади. Features: Кичик новвойхоналар (4 хилдаги), Сауна учун ускуналар, Саноат электроплиталари, Гриль, хот-дог учун мосламалар. Contact: Тел.: (3712) 79-14-29, 79-38-54. «С. Раҳимов» метро бекати.

Advertisement for АПИФЕН. Features: мушак огрикларини қолдирадиган ишончли, самарали восита. Кўнига уч маҳал 1-2 таблеткадан. Шаҳар дорихоналарига мурожаат қилинг. Ер / Герман илҳамати фирме дилиниги.

Ҳар бир боланг Чўлпон бўлиб бош кўтарсин-да, Эрк байроғи азал-абад ўзингда қолсин.

Одатда шоирлар ўз ижодлари- ни қалб таронаси билан бошлаб, муҳаббат туйғулари фаввора бўлиб отилган шеърий гулдасталар яратадилар. Чўлпон шу борада истисно бўлди. Ҳақ олти яшар шоирнинг бизга маълум дастлабки шеърларида интим кечинмалар муляжо кўза ташланмайд.

Аксинча, илк сатрлариданоқ мустамлака шарафига эзилган ва шу туйғули ноҷор турмуш кечираётган ватандошлари тақдири билан куйинган киши сифатида гавдаланади. Йиллар ўтгани, ижоди шакллана боргани саийн ундаги ана шу фазилат борага теранлашади. Ва, ниҳоят, Чўлпон миллий уйғониш даври адабиётининг пешқадам намояндасидан абрига айланади.

Бутун кимки Чўлпон номини тилга олса, унинг кўз олдига, биринчи навбатда, «Бузилган ўлкага», «Угли сув», «Пўртага», «Кўнги», «Кишан» сингари хуррият тароналари мавж уриб турган шеърлари келади. Шу туйғулар билан тикилган шеърий кашталари хира торгандек бўлади. Ҳолбуки, муҳаббат савдолари шоир қалбини четлаб ўтмаган.

1920 йил августининг сўнгги кунларида Чўлпон бир гуруҳ маслақдош дўстлари билан бирга Бокуга борган. Ушбу сафардан мурод Шарқ халқлари курултойида қатнашиш, собиқ Совет давлатининг ваколатли раҳбарларига ўзбек халқининг мухторият ҳақидаги оруз ва армонларини етказиш эди. Шоир ўша кезларда ёзган

ти сўзларига жилдий эътибор бермаган; Клеопатрада бўлаётган ўзгаришни ёшлик шўхликларига йўнган. Аммо орадан икки ой ўтиб Тошкентга келганида, унинг қалбида бундай аламли сатрлар отилиб, қоғозга тушган:

Истагинга етар экан қанотларинг синдим, эй кўнглимнинг булуви? Сенае қарши қулиб турган гўзал чечак тиндим, ташладимки бир йўли?..

Бу сатрлар ёзилган пайтда ўз қалбининг Цезарини тарк этган Клеопатра Чоржўйта, ота-онасининг қошига кетган эди. Шоирнинг муҳаббат кемаси турмуш қояларига урилиб, гарқ бўлаётганига қарамай, ошиқ эр бу кемани ҳалокатдан сақлаб қолиш учун барча чорани кўрди. Дастлаб Клеопатранинг хиралашган ақл-хушига қайта ҳаёт бағиш-ламоқчи бўлди. Сўнг, у кетганидан кейин, ўша йил апрелининг адоғида Чоржўйта бориб, Клеопатра ва унинг ота-онаси билан учрашди, унинг қайтганини сўради. Аммо Клеопатра Чўлпондан бир умрга юз ўттирди.

Кетдингми мангуа ташлаб, Қолдимми қайғуларим-ла? Хижронлик куйини бошлаб Йўловчи чоғларим-ла? Ортиқ сен мендан узоқда Кўзларни уйнасанми? Ортиқ сен бошқа бўлоқда Дилларни қайнатсанми?..

ҚАЛБ ТАРОНАСИ

шеърларида ақл-идрокини забт этган ана шу мавзуларни қаламга олган. Аммо шу билан бирга, қутилмаганда, бундай сатрларни ҳам битган:

Муҳаббатнинг саройи кенг экан, йўлни йўқотдим-ку, Асралик тош янглиб бу хатарлик йўлда қотдим-ку.

Қарашма денгизин кўрдим, на нозлик тўқани бордир, Ҳалокат бўлгусан билмай, қуачани қатта оқдим-ку.

Ажаб дунё экан бу шик дунёси, ай дўстлар, Бу дунё деб у дунёни баҳосиз нулга сотдим-ку...

Чўлпон ҳаёти фактларидан шу нарса маълумки, у ўзи туглиб ўсган шаҳардаги татар қизини севган. Бир шеърда уни «ғўзаллар маликаси», деб атаган ҳамда унинг овози муңқали эканини айтган. Чор атрофдаги феодал турмуш манзараларини, юртдошларининг оғир иқтисодий аҳволи-ю ижтимоий қолоқликларини кўриб, кўнгли озор чеккан шоир учун ана шу соҳибжамол қиз ғўзаллик ва муҳаббатнинг ёрқин тимсоли бўлиб кўринган. Қиз ҳам узоқ давом этган ишқий ўртаннишлар ва азоблардан кейин ёш шоирга меҳр боғлаб, унга турмушга чиққан. Чўлпон 1921 йилнинг ўрталарида «Бухоро ахбори» газетасига муҳаррирлик қилиш учун Бухоро Халқ Жумҳуриятига борганида, унинг ёнида ёш рафиқаси ҳам бўлган.

Чўлпон ижодидан озми-кўпми хабардор кишилар унинг «Клеопатра» деган сочма ёзганини ахши билдиллар. Аммо бу сочмада тасвирланган Клеопатра, айрим адабиётшунослар уйлағаларидек, Миср маликаси, Чўлпон тили билан айтсак, Нил маликаси эмас. Шоир муҳаббатини қозонган қиз Нил маликасидек ақли, ғўзал, хушоов ва маълум даражада мақрил ҳам эди. Шунинг учун ҳам Чўлпон уни Клеопатра деб атаган. Унинг ота-онаси Чоржўйда яшаганлиги, ўзи эса Аму бўйларида тутилганлиги учун «Аму маликаси» деган унвон билан тақдирлаган.

Хуллас, «Аму маликаси» Чўлпонга текканидан ва у билан бирга Бухорога борганидан кейин ҳам ўзини худди Клеопатрадек тутган ва Чўлпон на Юлий Цезарь, на Марк Антоний бўлмагани учун шоир ҳаёти рўҳий азоблар гирдобига ўтган. У 1922 йилнинг январь-февраль ойларида Бухородаги ҳарбий хастахонада ётган кезларида бундай сатрларни ёзган:

Сена — дард, севгучи-да — бир тентак. Сена-да тентакдан эътироз этасан; Қочасан; оҳ, фақат одош кетасан. Қайда бўлсанг-да, гирт бўлар сенам. Севдиган қочмоқ истасанг, гўзалим, Ташла, беҳуда ўйдир ул, азалим.

Бу сатрлардан маълум бўлишича, Клеопатра Чўлпоннинг қонуний рафиқаси бўлганига қарамай, оила ва ниҳок масаласида енгилтақлик қилган. У ҳатто хаста эрини кўргани бориб, унга севмаслигини айтган. Шоир дастлаб рафиқасининг сўнаётган севги ҳақида-

тини Клеопатра билан болаган, уни бутун қалби билан севган, унинг муҳаббатини қозониш учун беш йил сарсон-саргардон бўлган, эҳтимолки, уни деб ота-онаси олдидagi фарзандлик бурчини унутган шоир қаттиқ изтиробга тушди. Рўҳий азоблар ва шубҳалар гирдобига қолиб, ўзини ўзи кемирди. У «Алданми» сарлавҳали шеърда шу даврдаги рўҳий кечинмалари оловини бундай тасвирлади:

Қўзимга кўринган саробим эди, Мен шунга ишониб тоғларим ошдим? Севгимнинг боғчаси харобиси эди, Шу боғча ичда йўлим адашдим?..

Чўлпон қалбига аланга бўлиб кирган биринчи муҳаббат шундай яқун топди. У ана шу муҳаббатнинг ҳали сўниб улгурмаган гулханини шундай сўзлар билан тарк этди. Ва айни пайтда бошқа бирор қизни севмасликка, уларнинг баҳор бўлутидек ўзини туйғуларига ишонмаслик ҳақида онг ичди.

Кўнгли, тинмас кўнгли, энди етар, кўз тинма гулларга, Гўзалдир, ёшир ул гуллар... Фақат адолимга уларга, Ки, қизғинмас, кўнгли қўймас сенингдек оқ кўнглиларга,

деб ёзди у «Қизлар дафтарида» деган альбом-шеърда. Бу — Чўлпоннинг ўз кўнглига, қалбига берган буйруғи эди.

Орадан бир йил ўтгач, муҳаббат изтироблари ва ларзаларидан халос бўлган шоир Тошкентда қизгин адабий фаолият билан шугулланар экан, «Ойдин кечаларда кўкка кўз тикиб, Еруғ юлдузлардан севги кўтдим мен...» сатрлари билан бошланувчи шеърини ёзди. «Мен ҳам севман!» деб номланган бу шеърда Чўлпон «оҳ-воҳлар» билан ўтган йилгитлик фаслини эслаб, «Энди у кунларим ўтиб кетдилар, Энди турмушда ойддин кечалар йўқ», дейди. Сўнг нурли муддаога ўтади:

Кўнглим қуруқ эмас, яна севги бор, Фақат бу севгида адолимни йўқдир. Хорсан кўзларимда ҳаёя ана бор, Фақат у хайлар нурдан тиниқдир.

Муъжазига ҳовлидамиз. Узоқ йиллар тегир йўл бўлинида ишлаган, хозир фарзандларининг оруз-хавасини кўриб шайётган Хотамжон ака билан бир пиёла чай устида дилқашлик қилмади.

Ха, у ўз ном билан тонг қолдузи эди. Адабиёт омониди балкиган уша юлдуз ганчилар ёркин нур таратса, унинг ганчилари ҳам шунча талвасага тушилдилар, ҳаловатини йўқотдилар ва алаоқибат ниятларига етидилар. Бирок уни ҳам маънан, ҳам жисман йўқлик қабрига гирфотор этмоқчи бўлганлар қаттиқ янгилидилар. У эркинлик, ҳурлик, маърифат, ишқ-вафо кўйисини тимсоли бўлиб қалбларга муҳрланди. У истиқлол тоғида тагин-да ёркинроқ, тагин-да чакқоққ

нур тарата бошлади. — Тоғам орузлаган кунларни кўриш қўларини? А насоб этмади, — муҳтонларда яшай калқанди Хотамжон ака билан бир муқаддам 86 ёшда, онам Фанига эя аввалги йили худди шу йилда оламдан ўтдилар. Ноҳақликлар-у қамситишларга дош беролмаган Устамжон акам ҳам айни қирчиллама пайтда ҳаётдан кўз юмди.

Кўча дарвозаси охира очилди. Ҳовлига истарали, юз-кўзлари қулиб тургучи урта ёшлардаги аёл кириб келди. — Синглим Шарифа, — таништирди Хотамжон ака. — Тоғамни кўрмаган бўлсанг, у зотта эътиқоди жуда баланд. Урта мактабда шарқшунослик фақи муаллимси бўлиб ишлайди.

Хотамжон ака бироз тин олган, яна сўхбатимиз давом этади: — Турт-беш ёшлар чамасидаги бола эдим. Тоғам ҳар сафар Андижонга келганда бизларни кўтариб баргига босар, эркалар, то кетганича шимиздан силижмас эди. Биз ҳам уни ширинсўзлик, болажонлиги, меҳрибонлиги учун яхши кўрдик. Ешимиз улгайган билдик, уша содда, самийин, бегубор қалб эгаси бўлган Тоғамиз Чўлпон ўзбекининг буюк шоири, беназар тарихимони, аҳойиб драматурги экан.

— Чўлпон ижодида, қамолда олинган таъбири қай даражада бўлган, бу борада бирон нарса биласизларми? — Қўлимда сақланган биттиклар, осори-атикаларини шавҳодат беришича, — дег гап бўлиди Шарифа, — Чўлпоннинг Чўлпон бўлиб қамолга етишида, аввало, катта буйвнинг хизмати бекиёвдир. Унинг мароқли, хаяжонли ҳийога ва артаклари, ривоятларини эшитиб катта бўлган тоғам кейинчалик ўзининг «Ёркин» асари



Халима ХУДОЙБЕРДИЕВА, Ўзбекистон халқ шоири «УЙҒОН» СЎЗИН АЙТГАЧ...

Чирмоқда Сибирда улуғ турк шоирлари. Мехмет Эмин ЮРДАҚУЛ. 1939 йил.

Тарих даштларини гоҳо қуюқ қор ёпган Бўлса ҳамки, аён бўлган қимлар не чекди? Беш қилмичойи терегини бир болта чоған Менинг маҳзун онаганим, ҳолинг нечукдир?

Сирлар сандиги очилар, қимлар не деган, Қимни сотиб ўзи яйраб ўсган қайси экан? Бешта ёқур боласини бир қашқир еган Менинг маънос онаганим, бормисан омон?

Балки ҳамон тугамган бошланган дoston, Танларига тупроқ эмас, соғинчлар ботар. Ҳамон Сибирь совуғига қўнқоқмагасан Улар бир-бирин кучоқлаб, иситиб ётар.

Улар Абдулла Қодирый, Файзуллоларим, Акмал Икром, Усмон Носир, тик Чўлпоним-эй.

Кўмир қазиб, кўмир бўлган чин миллоларим, Улар беимас, беш юз, беш минг увола эконим-эй.

Авахталар, шахталардан улар берар ун, Уйламане-ки қукун бўлан, кул бўлан тинчиб. Ер устида эрк тугини биз кўтарган кун, Улар гўра бир-бириндан олган суюнчи.

Чўлпон бирдан Чўлпонлигин туйиб чоғандир — Сочдан то тирмоғи қадар қуйиб чоғандир. Қамоқ, Заҳ ертўлларида яғри чиққан, Қир, беқасам чопонини қийиб чоғандир.

Эрк исини эрта севган болаларини, Сулам, оқиме қарши сўзган болаларини. Ота арсон елкасида ошиқ ўйнаган, Она арсон сунт эмизган болаларини

Олдирган эл, улар оддий болаими эди, Қурашларда улар осон бердиларми экан? Усмон «Уйғон» сўзин айтган, хушдан айрилди, Чўлпон айтган, кўкрагидан келди ласта қон!

Асли кўз ёш, қон оралаб тошиб ўсдиқ биз, Қон — ёрушлик. Еруландик. Бойиб ўсдиқ биз. Қарққанлари, кесганлари сари қучландик, Қанотларини тагин кенероқ ёйиб ўсдиқ биз.

Она элим, Минг шукр-ки, қолмадик тўнда, Тилас шулки, қодир Оллоҳ ёшини олсин. Ҳар бир болане Чўлпон бўлиб бош кўтарсин-да, Эрк байроғи азал-абад ўзингда қолсин.

ҲУРРИЯТ СОҒИНЧИ ЭДИ УНИНГ

Чўлпоннинг «Кеча ва кунду» романи, ҳеч бир муболагасиз айтиш мумкинки, замонлар суриондан саломат ўтиб келаётган барқамол тилимининг бетакрор обидасидир. У абадий зиддий ҳолида яшовчи икки қутб: қулик ва ҳурлик ҳақида (зеро, романининг номи ҳам бунга ишора қилмоқда). Янада турғироғи, бу аросатда яшашга қўнқанган муте миллатнинг янғичи ҳаёти, фожиали қисмати ҳақида. У фавқулодда бир ички мушоҳада билан миллатни сўроқлайди. Давлатини болтумига айлантириб йлаб ётган, зумраддан ҳаёт-йлаб кўриб роҳат ва раҳоват қучоғида яшаётган келгинди турлар билан ҳамбазм, ҳам-қол Акбариларин, Зунардлардан тортиб миллатнинг энг фақир бўганигача бир вулқон шиддати-ла сўроққа тўтиди. Қалтабиндикнинг, худгаллик, худданликнинг томирлари, фақирлик ва забунликнинг илдизларини қидиради. Бу оғриқ бир қаҳрамон дилдан шу тарзда тилга кўчади: «Бизнинг бахтсизлигимиз — нолонлигимизда, холос. Миллат уйғонсин, кўзини очсин, ўқисин, билим олсин, мадааний миллатлар қаторига кирсин, сўнгра у ҳам ўз давлати, ўз бахти, ўз саодатини куради. Миллатни уйғотиш — уйғонганларнинг вазифаси!»

Миллатни юдоқле ютаётган илмозлик эканини англаган ва азобланганнинг адибнинг кўрли сўзлари яна жалид савдоларнинг тилидан зоҳир қилинади: «Менинг ўғлим

дил ҳамроҳининг Мирёқубга айтган гапларини эслаб кўринг-а: «Миллатни билинг, танинг, унга хизмат қилинг. Номингиз миллий тарих бетларига ёзилади.»

Адиб мамлакатнинг истибод занжирлари остида эзилшича, қонимизда оққан ис-энкор рух — эрк туйғусининг топталиши ва миллатнинг манқурлашуви сабаб бўлган зинмолдор — Акбариларин, Мирёқублар қаторида дин пешволарининг ҳам пайи катталигини асарлари Шаҳобиддин домла, эшон ва имомлар тимсолида кўрсатишга ҳаракат қилади. Жумладан, Шаҳобиддин домла «тўрт оғиз гапиргунча одамни сил қилиб юборди. У гапирганда ўз гапига ўзи ҳам ишонмайди» деган гапирди. Мирёқуб жалид сўхбатдошининг гапларини ўзича таҳлил қиларкан, яна Шаҳобиддин домлаи эслади: «Жалид — кофирнинг ашаддиси», — деди Шаҳобиддин домла. Газет уқийтурган битта муллабачани мадрасадан расво қилиб қайтарган эди.» Унинг дилдан ўтган бу уйғун тасофуф эмас, маъийн заминни мавжуд бўлган фикрлардан Чўлпон мамлакатдаги мусулмон қўбасига ва шах-ади Шаҳобиддин домлалар қайфиятига кўра қизилар эди. Буни Шарофуддин Холжаев шу тарзда ифода қилади: «Динли

булиш либоста қарамайди. Бизнинг жоҳил уламо кимнинг салла-чопони бўлса, мусулмон, дейди. Ҳолбуки, мусулмонлик қийимда эмас — қалба, дилда.

Қишлоқ қарз ширкатларининг инспектори Ҳасанов ҳам фожианинг илдизлари ҳақида фикр юрита экан, асосий айбонига юклайди. Унинг гапларини тинглаган Ҳасимжон назаридо «ҳар бир катта саллалик домла беморога заҳар бераётган табиб..» Ҳар бир бошини қуйиб солган эшон одамларнинг қиссаларига яширинча кўз узатган киссавор» янглик намоз бўла бошлади. Демакки, ўша давр эзилдиларини энг кўпу ўйлаган, банд қилган мавзу диндор табақанинг эзиллашмаси ва миллий тараққиётга тўсиқ бўлмайдиган ҳақиқий мусулмон шахсиятини яратиш зарурияти эди.

Чўлпон нима учун имомлар, эшонлар, суфилар ҳақида бунчалик юйинича, ачиниб гапирди? Нима учун тақрор тақрор бу масалага мурожаат қилади? Ва деярли сатирик, ироник бўёқларга тасвирлайди. У дин одамларни шу холга солади, демакки эмас. Балки илмозлик, жоҳиллик ва шақ-бозлик тўғрисида инсон не қиларга тушиши мумкинлигини кўрсатмоқчи. Адиб миллат-

нинг, мамлакатнинг моддий ва маънавий инқи-розга юз тутишда нафақат амалдор ёки дин вакиллари, балки муаммоларнинг илдизи ривож топган эшон оила-ларининг аҳволига ҳам эътиборини қўйди. Чўлпон оиладаги муҳит умумий руҳинг аянган-шига асос бўла олади. Миллатнинг эртаси оила доирасида шаклланади. Оила миллатнинг ташак-кул маркази, миллатнинг тамал тоши қўйлажак ер. Оиладаги моддий миллатнинг тақдирига қўнқини тасаввур қилганимизда масаланинг муҳимлиги янада ойдинлашади.

Бугун эса истиқлол бағрида яшамокдамиз. Чўлпон оғуз қилган эрк ва ҳурлик нафаси юрти-мизини кун сайин ғўзал айламоқчи жазм этмиш-дир. Ана шу кунларга элиб келганимиз холда эл-юртнинг ҳар қандай мушкул-лини осон қилувчи фар-занд бўлишга интилоқчи ҳар биримизнинг қўнқимизда устувор бўлмоғи жоиздир. Бундан Чўлпоннинг руҳи беҳад шод бўлган.

Масруф Йўлдошев.

ЮЛДУЗЛАРДАН-ДА ПОРЛОҚ ЮЛДУЗ

Қайта-қайта эътироф этишади тоға дийдорига тўймаган, тўёлмаган, қалбларига армон отлиғ надоматлар муҳрлиниб қолган жигарбандлар

— Чўлпон дунёга келган макон қаерда, у яшаб ўтган ошён-чи? Юрак ютиб савол бергунчада тил-воё қайда? Шубҳа-ю кўрқундан тил-лар қалмага келмас, бир севканиб олган йўловчи елкасини қистанча қаманини илдам оларди. Бир актлар оғир, зил-замбил бўлган ўша саволлар бу гап биз фахру ифтихор билан тақрорладик.

Жавоблар оғир бўлди, ҳикоятлик ундан-да ваэини кечди: — Сулаймон базоз оиласи исти-қомат қилган ховли-жойлар макон сабабларга кўра бузиллиб кетган. Эгасига насоб этмаган макон бошқага буларариди? Уй-жойга эга кичуқлар ҳам кўп яшомадилар бу ерда.



Чўлпоннинг жияларини ахши биланам, — жонимизга оро кирди йўловчилардан бири. — Андижон туманидаги Қўшарик қишлоғига борсаларинг, Хотамжон исмли жияни то топсалар.

Юксак муқофоти раҳматли онамиз Фанига аз Сулаймон қизи, раҳматли ўқувчи акам, Рафиқа опама қабул қилиб олишганидан ўшанда.

— Чўлпоннинг жияларини ахши биланам, — жонимизга оро кирди йўловчилардан бири. — Андижон туманидаги Қўшарик қишлоғига борсаларинг, Хотамжон исмли жияни то топсалар.

Муъжазига ҳовлидамиз. Узоқ йиллар тегир йўл бўлинида ишлаган, хозир фарзандларининг оруз-хавасини кўриб шайётган Хотамжон ака билан бир пиёла чай устида дилқашлик қилмади.

Чўлпоннинг жияларини ахши биланам, — жонимизга оро кирди йўловчилардан бири. — Андижон туманидаги Қўшарик қишлоғига борсаларинг, Хотамжон исмли жияни то топсалар.

Чўлпоннинг жияларини ахши биланам, — жонимизга оро кирди йўловчилардан бири. — Андижон туманидаги Қўшарик қишлоғига борсаларинг, Хотамжон исмли жияни то топсалар.

Чўлпоннинг жияларини ахши биланам, — жонимизга оро кирди йўловчилардан бири. — Андижон туманидаги Қўшарик қишлоғига борсаларинг, Хотамжон исмли жияни то топсалар.

Advertisement for 'Халқ сўзи' newspaper, including contact information for the editorial office and subscription details.